

9-10-2020

FORMATION OF MUTUAL LOVE ATMOSPHERE IN THE FAMILY IS THE KEY TO THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Ruzigul Sharofovna Bozorova

*Tashkent irrigation and mechanization of agriculture Bukhara branch of the Engineering Institute
Assistant of Social and Humanitarian Sciences*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Bozorova, Ruzigul Sharofovna (2020) "FORMATION OF MUTUAL LOVE ATMOSPHERE IN THE FAMILY IS THE KEY TO THE DEVELOPMENT OF SOCIETY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 29.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**FORMATION OF MUTUAL LOVE ATMOSPHERE IN THE FAMILY IS THE KEY TO
THE DEVELOPMENT OF SOCIETY**

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

ОИЛАДА ЎЗARO MEХR MUХITINI ҚADPIЯT ACOCИDA ШAKЛЛАНТИРИШ ЖAMИЯT TAPAKҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ

Бозорова Рўзигул Шарофовна

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш

муҳандислари институти Бухоро филиали

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ассистенти

Тел: 91 445-08-90 e-mail: r.bozorova85@mail.ru

Аннотация: Мақолада оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш, умуминсоний қадриятлар сифатида меҳрнинг ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш таҳлил қилинган. Оилавий муҳитда меҳр тушунчасини қадрият асосида қандай шакллантиришимиз мумкин?, замонавий оила моделини шакллантиришда оилавий муносабатлар тизимида “Меҳр қачон кўпаяди?” каби саволларга жавоб берилган.

Калит сўзлар: Меҳр, қадрият, урф-одат, анъана, байрам, туйғу, ҳуррият, шахс эркинлиги, никоҳ, суннат, глобаллашув.

ФОРМИРОВАНИЕ АТМОСФЕРЫ ВЗАИМНОЙ ЛЮБВИ В СЕМЬЕ ЯВЛЯЕТСЯ ЗАЛОГОМ РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА

Бозорова Рўзигул Шарофовна

Ташкент ирригация и механизация сельского хозяйства

Бухарский филиал Инженерного института

Ассистент кафедры социальных и гуманитарных наук

Тел: 91 445-08-90 e-mail: r.bozorova85@mail.ru

Аннотация: В статье анализируется ценность создания любовной атмосферы в семье, показана социально-нравственная, культурная и духовная значимость доброты как общечеловеческой ценности. Рассматриваются такие вопросы как можно сформировать концепцию милосердия в семейной среде? “Когда милосердие умножается?”

Ключевые слова: милосердие, достоинство, традиция, торжество, чувство, свобода, личная свобода, брак, суннат, глобализация.

FORMATION OF MUTUAL LOVE ATMOSPHERE IN THE FAMILY IS THE KEY TO THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

Bozorova Ruzigul Sharofovna

Tashkent irrigation and mechanization of agriculture

Bukhara branch of the Engineering Institute

Assistant of Social and Humanitarian Sciences

Tel: 91 445-08-90 e-mail: r.bozorova85@mail.ru

Annotation: The article analyzes the value of creating kind atmosphere in the family, showing the socio-moral, cultural and spiritual importance of kindness as a universal value. The

following question as how can we form a concept of love in a family environment? "When is love multiplied?" are discussed.

Keywords: *Kindness, dignity, tradition, celebration, feeling, freedom, personal freedom, marriage, circumcision, globalization.*

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи навбатда оила бағрида шаклланади. Боланинг феъл-атвори, табиати ва дунёқараши белгилайдиган яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик, меҳроқибат, ор-номус, андиша каби маънавий мезон ва қарашлар айнан оила шароитида камол топади. “Оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, анаъана, қадрият, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак авлодлар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги” деб таъкидлайди. [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “Оила илмий-амалий тадқиқот маркази” фаолиятини такомиллаштириш масаласига алоҳида урғу бериб, марказ олдида оила институтини мустаҳкамлаш, “Соғлом оила - соғлом жамият” концептуал гоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички, шахслараро муносабатлари бой маданий-тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари қўйилди. [2]

Жамиятда оила энг кўп социал функцияларни бажаради, буни ўтмиш ҳам, келажак ва бугунги кун ҳам инкор қила олмайди. Бой илмий-маданий меъросимиз, қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримиздан аёнки, ҳар қандай замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас қадрият саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик ҳисобланмиш оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик барқарор тараққий этишини аждодларимиз жуда яхши англашган. Халқимиз оилани Ватанга тенглаштирган, ҳар бир оила ўз қувончи, ўз ташвиши билан яшайдиган Ватан ичра Ватандир.

Шу боис ота-боболаримиз оилага жуда катта эътибор билан қарашган. Буюк алломаларимиз Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Югнакий, Кайковусдан тортиб Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқаларгача ўз асарларида оилавий масалалар, хусусан, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-она, бобо-бувининг ўрни, комил ва ватанпарвар шахсни етиштиришда бу муҳим ижтимоий институтнинг ролига алоҳида ёндашиб, ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларга мактублар, ҳикматли сўзлар, шеъррий сатрлар орқали панд-насихатлар, ҳаётий хулосалар ёзиб қолдирганлар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидхонов каби маърифатпарварларимиз ҳам одоб-ахлоқи гўзал, жисмонан ва маънан етук авлодни тарбиялашнинг ягона йўли — барқарор

оила қуриш экани, оилани мустақкамламасдан, оилада меҳр муносабатларини шакллантирмасдан давлат ва жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлашган.

Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажagini оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда деб билаётгани юқоридаги анъанавий қадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш, оилада ўзаро меҳр муҳитини яхшилаш жамият тараққиётининг, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни таҳлил қилиш асосида замонавий, намунали оила мезонларини белгилаш асосий вазифаларимиздан биридир. [3].

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич хужайраси ҳисобланади. Оила мустақкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустақкам, фаровон бўлади. Аксинча, оилаларда парокандалик, бузғунчилик бўлса, ҳалол-харомнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади, охир-оқибат у чуқур таназзулга юз тутаяди.

Шунинг учун ҳам қадимдан ҳар бир жамият оила масаласига катта эътибор бериб, оилаларнинг мустақкам ва бахтиёр бўлиши учун имконида бор бўлган барча чора ва тадбирларни қўриб келган. Зотан, соф инсоний табиат худди шундай бўлишини тақозо қилади. Аммо минг афсуски, кейинги пайтларда Ўзбекистонда баъзи бир жамиятларда “хуррият”, “шахс эркинлиги” деган сохта шиорларни рўқач қилиб олган айрим бузғунчилар “Оиланинг кераги йўқ”, никоҳ шарт эмас, у инсоннинг эркини чеклаб қўяди” деган даъвои қўтариб чиқишди. Лекин шуниси ҳаммамизга маълумки муборак динимиз исломда, ҳадисларимизда “Никоҳ менинг суннатимдир. Ким суннатимдан юз ўтурса, мендан эмасдир”, деган Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам.

Охир оқибат ҳозирга келиб, қўплаб муаммолар келиб чиқди: инсоннинг соф табиатига зид бўлган ушбу дунёқарашга қул бўлган юртларда оиланинг қадри қолмади, оила аъзоларининг ўзаро эҳтиромлари, меҳр-муруватларига футур етди. [4].

Шунинг учун ҳам оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш мақсади ҳамманинг диққат марказида турса масалага ойдинлик киритиларди. Бунинг учун биринчи навбатда қадрият тушунчасига аҳамият бериш зарур.

Қадрият — воқелиқдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урф-одат ва бошқалар қадрият ҳисобланади.

Қадрият аксиологияга хос категориядир. Қадриятни аксиология нуқтаи назаридан талқин қилиш уни категория сифатидаги моҳияти, мазмуни, объектив асоси, намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларини ўрганиш имконини беради. Қадрият категорияси фақат буюм ва нарсаларнинг иқтисодий қийматини эмас,

жамият ва инсон учун бирор аҳамиятга эга бўлган воқеъликнинг шакллари, ҳолатлари, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, талаб, тартиблар ва бошқаларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатилади. Муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одат ва анъаналари, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлардир. Қадриятлар комил инсонни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг қадриятлар тўғрисидаги қарашлари ўзгариб боради. Тарихий заруриятга қараб гоҳ у, гоҳ бу қадрият ижтимоий тараққиётнинг олдинги сафига чиқади. Масалан, юртни ёв босганида — озодлик, уруш даврида — тинчлик, тутқунликда — эркинлик, касал ёки беморликда — сihat-саломатлик, оилалар бузулиб кетиши жараёнида — меҳрнинг қадри ошиб боради.

Оилавий муҳитда меҳр тушунчасини қадрият асосида қандай шакллантиришимиз мумкин?

Кўплаб оилаларнинг пароканда бўлишида, бузилиб кетишида ёки оилавий муносабатларнинг тўғри шаклга эга бўлмаслигида меҳрнинг етишмаслиги асосий сабаб ҳисобланади. Меҳрга содда тушунчадек қаралсади, аслида инсон ҳаётининг мазмуни, энг юксак умуминсоний қадрият саналади.

Орамизда сохта инсонлар кўпайиб, самимийлари камайиб кетмоқда. Бу энг яқин инсонимизда ҳам учратиш мумкин (Ота ва фарзанд, опа сингил, ака ука). Самимий инсонлар меҳрибон бўлади, улар оддий кўринади лекин инсонни қардлайди. Яхшилик қилиш, эзгулик, олийжаноблик, меҳр-оқибат, ор-номус андиша каби муқаддас тушунчалар, самимий ёки меҳрибон бўлиш ёшликда берилган меҳрдан бошланади ва оила шароитида қарор топади. Оилаларда миллий тарбияни шакллантириш, оддий тушунчаларни кучайтириш самимий тарбияни белгилайди. Мас: (“Ассалому алайкум” деб тўлиқ салом беришга ўргатиш, баланд овозда гапирмаслик, “Хўп бўлади ойижон ёки дадажон”, “Раҳмат”, “Хайрли тонг” ва ҳ.к). Муносабатлар масаласида хатога йўл қўймаслик учун эса ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни мўтадиллаштириш, ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқни инсоний муносабатлар асосида қуриш айна муддао бўлади. Мас: “Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асаридаги қаҳрамонларнинг ўзаро муомала ва мулоқотлари, уларнинг ҳатто ўз фарзандларини ҳам “сиз” лаб гапириши мисолида ота боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эътибор берганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Сабаби инсон боласи инсон, у бизни ўзимиз. Ҳаётда қандай даражага эга бўлишингиздан қатъий назар болаларимизга меҳрнинг турли даражаларини беришга ўзимизда имкон топишимиз керак. Оила муҳитида яшаб, улар билан меҳрибон муносабат ўрнатган боладан келажакда яхши инсон етишиб чиқади гарчи у ёшлигида шўхлик қилиб қўйса ҳам.

Агар биз ота боболаримиз турмуш тарзи, оилавий шарт шароити, бир- бири билан бўлган муносабатларига назар ташласак, уларда ҳаққоний меҳр туйғуси мавжуд эканлигини ҳис этамиз. Масалан: Яқин тарихда оила аъзолари қариндошиникига уч кун ёки бир ҳафта давомида меҳмондорчиликка боришган. Улар бир бири билан тўйиб суҳбат қуришган, фарзандлари бир бири билан ўйнаб, улар орасида меҳр муносабати мустаҳкам боғланган. (болалигимда кўп ўйнардим,

ёшлигимдаги ўртоғим ва ҳ.к). Энди эрталабдан кечгача ишга боғланиб қолиш ҳатто ўзини оиласига меҳр улашиш учун етарли шароит яратиш билмаслиги ачинарли ҳолат. Энг яқин инсонлар хонадонига ҳам белгиланган вақт мобайнида борилади, бу ҳақиқий юракдан суҳбатлашиш учун камлик қилади.

Бугунги замонавий оила моделини шакллантиришда оилавий муносабатлар тизимида “Меҳр қачон кўпаяди?” деган савол қўйиш ўринли.

Замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилашда иштирок этиш, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятларни улуғлаш, оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро тажрибани чуқур ўрганишда минтақанинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгилаб олинган бўлишига қарамай аслида оилаларда меҳрни қадрият асосида сингдириш йўллари анча содда ва самимий ҳисобланади.

Жамиятни ўзгартириш учун аввал инсоннинг ўзини ўзгартириш керак. Оила борасида ҳар кимнинг ўз қарашлари бор Аврелий Августин таъкидлаганидек “Қараш – бу кўриш дегани эмас”, яъни муаммони кўра билган ҳар бир инсон уни тушуниш ва атрофлича таҳлил қила олиш қобилиятига эга эмас. Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови бўлиб, меҳр муҳитини яратишда қуйидаги омиллар хизмат қилади.

- “Оила - меҳр” тушунчасини барча оилаларга қадрият сифатида сингдириш. Оила ота-она ва фарзандлардан ташкил топади. Бунда оила аъзолари уйда ёки ўзларига қулай масканда йиғилиши яхши самара беради. Бундан ташқари, “ота ва бола”, “она ва бола” вақти деган тушунчаларни жамият ҳаётига киритиш оиладаги меҳр-оқибатни оширишга хизмат қилади. Негаки, томирларимиздаги қонда меҳр тўлқинлари жўш уриб турмаса, бошқа мавжудотлардан фарқимиз қолмайди;

- Фарзандли оилалар учун “ота” ва “она” ижтимоий мақомини бериш йўлга қўйилса, оилага бўлган меҳри ошиб бориши мумкин;

- МТМ ёки мактаблардаги йиғилишлар “оталар йиғилиши” ва “оналар йиғилиши” деб алоҳида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу уларнинг фарзандга бўлган шунчаки эътибор эмас, унутилмас онларни ҳам ҳаётига этилади. Сабаби инсон энг кўп фундаментал билимларни илк муаллим томонидан сингдиради. Шунингдек ота ёки онанинг фарзандига қанча кўп тушунчани ўргатса унинг улғайганда ҳам оиласига бўлган меҳри бўлакча бўлади.

- Оила аъзолари билан бориладиган кўнгилочар масканларни ташкил этиш ва ташриф буюрувчи оилаларга имтиёзлар берилишини жорий этиш; (Мас: кинотеатр, концерт, мультфильм ва ҳ.к) Натижада уларнинг кўпроқ бирга бўлишига, илиқ ва ёқимли муносабатларнинг мустаҳкамланишига олиб келади.

- Оилалар учун махсус ижтимоий-психологик кўмак марказлари ташкил этиш. Марказларда меҳрни оширишнинг алоҳида, замонавий кўринишларини ўргатиш, тушунча бериш.

- Ёш оилаларда “телефон вақти” деган тушунчани сингдириш лозим. Ҳар бир оила аъзоси уйда бирга бўлган вақтда турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этиш, (телефонда арзимас маъноси йўқ суҳбат, ижтимоий тармоқдаги асоссиз ахборотлардан кўра) МТМ ёки мактабларда таҳсил олувчи фарзанди бор оилалар

кўпроқ вақтини фарзандига меҳр бериш билан банд бўлишига ўзини одатлантириш муҳим. Сабаби инсон энг кўп меҳрга ёшлигида муҳтожлик сезади. (мисол учун. Фарзанди билан спорт машқларини бажариш, рақсга тушиш, улар билан болалардек муносабатда ўйинчоқ ўйнаш ва ҳ.к). Сабаби, фарзанд ўстириш, уни тарбиялаш ва меҳр кўрсатиш бир хил меҳнат ва эътибор талаб этади, шу билан бирга кечиктирилиши мумкин бўлмаган, узоқ вақт давом этадиган энг кўп вақт сарфлашга лойиқ келажак давомчиси улар.[5]

- ҳар куни 5-10 марта ота-она сифатида ўз фарзандларингизга уни яхши кўришингизни турли шаклларда намоён этиб туринг.

- Ҳар куни камида 3 марта фарзандингиз намоён этган яхши хулқи, бошқаларга маъқул бўлувчи чиройли амалини унинг ўзига эмас, балки оиладаги бошқа яқинларингизга айтинг. Мақтовингиз албатта унга етиб келади.

- ҳафтада 2 ёки 3 марта фарзандиз билан уйдан ташқаридаги машғулоти бирга бажаринг (пиёда юриш, автоуловда сайр қилиш).

- Ҳар куни фарзандингизга улуғ аждодларимиз ҳаётига доир меҳрлилик лавҳаларини топиб, унинг ўзига ўқитинг ва биргаликда муҳокама қилиб боришни оилавий расмга айлантинг. [6]

Хулоса ўрнида биринчи президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарига яна мурожаат қиламиз. “Ақли расо ҳар қандай инсон яхши англайдик, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебеҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.[7]

Оилада меҳрни қадрият сифатида сингдириш ва жамият ҳаётида тўлиқ оила мавқеини кўтариш билан биргаликда, унинг ривожланиш омилларини ўрганиш, айниқса, оилада маънавий-ахлоқий тарбия ишини мунтазам олиб бориш катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир.

Шунингдек, президентимиз Шавкат Мирзиёев “Буюк келажакимизни

мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” номли асарида меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, меҳрибонлик тушунчаларининг тўғридан тўғри шаклда 34 маротаба такрорланиши ва ҳар бир мурожаатларида, чиқишларида барча ўзбек халқига “Ҳурматли дўстлар” “Меҳрибон халқим” деб мурожаат қилишлари халқимизни бирдамликка, ҳамжиҳатликка бирлашишга даъват этади. Яна бир ўринда, “Энг муҳими, **“Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”** деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим”. [8]

Зеро, дунёдаги ҳамма қулфларни, кўнгил қулфини ҳам, дўстлик қулфини ҳам, оқибат қулфини ҳам, муҳаббат қулфини ҳам, тинчлик қулфини ҳам калити бу меҳрдир. [9] Шунингдек меҳр - Аллоҳ таоло билан бирга бўлишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. http://www.uquvmarkazi.uz/?page_id=620

2. [O`zbekiston Respublikasida oila institutini mustahkamlash konsepsiyasi.PQ-3808-son.27.06.2018.](#)

3. <http://xs.uz/uzkr/post/oila-zhamiyat-va-davlat-himoyasida>
4. Оила ва никоҳ муносабатларини янада такомиллаштиришнинг баъзи масалалари. Имом Бухорий сабоқлари журнали, 2019 йил, 4 сон, 79-80 бетлар
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф “Бахтиёр оила”, “Ҳилол нашр”, Тошкент 2019 йил, 4 бет.
6. Ўзбек оилаларида меҳр туйғусини шакллантиришнинг ижтимоий психологик механизмлари // Б.Каримов “Психология” журнали 2019 йил, 4 сон.
7. А.Раҳимов ва Н.Раимова. Ҳикматлар шодаси. “Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент.; 2016 йил, 72 бет.
8. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жарёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат.//Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.
9. Буюк алломаларимиз асарларида дўстлик ва меҳр муҳаббат масалалари. Н. Султонова, International scientific conference International scientific conference “Global science and innovations, may 2019: central asia” Nur-Sultan, Kazakhstan, may 2019
10. <http://www.biznes-daily.uz/ru/istemolchi/34285-milliy-qadriyatlar-va-oila>

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ВОЕННОЙ КУЛЬТУРЫ В ВООРУЖЁННЫХ СИЛАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Хашимова Гулсина Исмоиловна

Преподаватель кафедры дистанционного образования Ташкентского
государственного педагогического университета им. Низами

Тел: +998 99 4887033

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются концептуальные основы развития военной культуры в Вооружённых Силах Республики Узбекистан. Изучено влияние национальных традиции узбекского народа на развитие военной культуры молодых военнослужащих Республики Узбекистан.*

***Ключевые слова.** государства, военнослужащие, военная культура, обобщить, универсальность военных духовных ценностей, традиции, убеждения, символы.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА ҲАРБИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПУАЛ АСОСЛАРИ

Хашимова Г.И.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, масофадан
ўқитиш кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида ҳарбий маданиятни ривожлантиришнинг концептуал асослари муҳокама қилинади. Ўзбек*

28	Таълим соҳасида ижтимоий шериклик Алиханов М М	165
29	Оилада ўзаро меҳр муҳитини қадрият асосида шакллантириш жамият тараққиётининг гарови Бозорова Р Ш	172
30	Концептуальные основы развития военной культуры в вооружённых силах республики узбекистан Хашимова Г. И	178
31	Глобаллашув шароитида ўқувчи ёшларда илмий инновацион дунёқарашни шакллантиришда илмий-маънавий меъросни ўрганишнинг аҳамияти Худайназаров Н.Ш.....	184
32	Амир Темур ва Темурийлар даври фалсафаси ҳақида мушоҳада Алиқулов Ҳ	189
33	Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси Султанова Г.С	194
34	Коррупцияга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари Сохибов С	198
35	Умар Хайём рубоийларининг талқин ва тавсифи. Шодиев Ж Ж	206
36	Ҳалол кадрлар тайёрлаш тизимини яратишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Тожибоев С.П	211
37	Особые аспекты формирования стратегии жизни молодежи Исмоилов Т И	215
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ 10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES		
38	Шукур Холмирзаевнинг ҳикоячиликдаги маҳорати Тошпўлатов А	220
39	Мустақиллик даври ўзбек драматургиясида жанрлараро диффузияланиш. Аҳмедова В.А	227
40	Миллий Характер масаласининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши Қаюмов А	236
41	Инглиз ва ўзбек тилларида ирригация ва мелиорация терминларининг морфологик таҳлили«инсон нечта тил билса, у шунча одамдир»Гёте Ахмедов О.С, Назарова С.А	241
42	Нишотийнинг “хусн ва дил” достонида муболаға санъати Маматқулов М.Р	247
43	Қанотли сўз, афоризм ва фразеологик бирлик тушунчаларининг ўзаро фарқи Исакова Г. Н	252
44	Социально-лингвистическая репрезентация понятия «учитель» Носирова М.О	258
45	К. Boldikning adabiyotshunoslik terminlari qisqacha oksford izohli lug'atining leksikografik va etimologik tahlili Saidova M U	263